

Ургут тумани ҳокими М.М.Турдиевнинг туман прокуратураси янги биносини  
фойдаланишга топшириш маросимидаги

М А Ъ Р У З А С И

Ассалому алайкум!

Азиз меҳмонлар ва тадбир иштирокчилари!

Ҳурматли Баҳодир Акбаралиевич!

Авваламбор Сизларни туб моҳиятига кўра ўзида илғор миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этган, умумхалқ манфаатларини ифодаловчи мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан туман ҳокимлиги ва фаоллари, кенг жамоатчилик номидан сидқидилдан табриклайман. Мустақил Юртимизнинг фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизга омад, барчангизга соғлиқ-саломатлик ҳамда оилавий бахт тилайман.

Бугунги тадбиримиз мамлакатда сиёсий жараён Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якуни арафаси ҳамда Конституция қабул қилинган умумхалқ байрами куни ўтказилиши билан янада аҳамиятлидир.

Асосий қонунимизда мамлакатимиз ҳуқуқий асослари яратилиши билан биргаликда унда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларнинг манфаатлари устунлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамияти барпо этиш Буюк Юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг диққат марказида бўлиб келди.

Шу мақсадда жамиятнинг барча жабҳаларида кенг қамровли ислохотлар ўтказилиши жараёнида биринчи навбатда давлат органлари ўртасида ҳокимият тизимининг бўлиниш принципларига қатъий риоя этилишини таъминлаш асосий вазифалардан бири деб қаралди. Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти ваколатларини амалда таъминлаш чоралари кўрилди.

Бош Қомусимиз нормаларига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади. Шу туфайли Истиқлол йилларида унинг фаолияти такомиллаштирилиб борилди.

Муҳтарам Шавкат Миромоновч Мирзиёевнинг сайлов олди Дастурида **“Жамиятда қонун устуворлигини таминлаш амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигининг кафолатидир, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омилидир”**- деб қаралди.

Зиммасида ана шундай масъулиятли вазифа бўлишига қармасдан шу вақтга қадар туман прокуратураси туман қишлоқ ва сув хўжалигининг собиқ, яъни прокуратура органлари фаолиятига ихтисослашмаган, ходимлар ишлаши учун зарур бўлган шарт шароитларга эга бўлмаган бинода фаолият кўрсатиб келаётган эди. Мен шу бинодаги аввалги 2 йиллик терговчилик ва кейинги 1,5 йиллик прокурорлик фаолиятимдан буни жуда яхши биламан.

Бу ҳолатга Республика Бош прокуратурасининг ўз вақтидаги эътибори туфайли унинг замонавий лойиҳалар асосидаги янги биноси қурилишига киришилди.

Сизларнинг иштирокингизда бугун фойдаланишга топширилаётган **2 миллиард 711 миллион сўм** маблағ сарфланиб, **Жумаев Ульфат Қурбонович** бошчилигидаги **“Қурилиш таъмирлаш”** хусусий корхонаси курувчилари томонидан, қисқа муддатларда қуриб битказилган, халқаро андозаларга мос келадиган, барча қулайликларга эга бўлган ҳамда энг сўнгги анжомлар билан жиҳозланган туман прокуратурасининг ушбу биноси ҳам **прокуратура органлари фаолиятига Республика раҳбарияти** томонидан қаратилган эътиборнинг бир намунасидир.

Шу ўринда янги бино қурилишига яқиндан ёрдам берган вилоят прокурори Баҳодир Акбаралиевичга ва Республика Бош прокуратурасига шахсан ўзим, туман фаоллари ва аҳолиси номидан миннатдорчилик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб бино қурилишида иштирок этган барча қўли гул устоларга, айниқса иш юритувчи Жумаев Илҳом Қурбонович, бош муҳандис Файзулло Бақоевларга ушбу минбардан **улкан миннатдорчилик** билдириб, **рахматлар** айтамыз. Доимо соғ-саломат бўлиб **қўлларингиз дард кўрмасин** деймиз.

Ушбу бино узоқ йиллар туманда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш ишларига хизмат қилсин.

Туман прокуратураси меҳнат жамоасини ушбу шинам ва кўркам бино билан табриклаб, уларнинг ишларига муваффақиятлар тилайман.

**Эътиборларингиз учун катта раҳмат** айтган ҳолда ижозатларингиз билан Сўз навбати **эҳтиром ила** вилоят прокурори **хурматли Баҳодир Акбаралиевич Дехқоновга** берилади.